

22-107-52843 сон - ШАРТНОМА

14 январь 2022 йил

Наманган шаҳар

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ номидан НУ 3000 асосида иш олиб борувчи ва бундан сўнг матнда "Буюртмачи" деб аталувчи РАХМАНОВ УЗГАНБАЙ бир томондан ва "ЎЗММИ" ДМ (Наманган филиали) номидан 30.12.2020 йилдаги 22/2610-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директори Нишонов Х. Х. иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

1.1 "Буюртмачи" топшириғига кўра "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида куйидаги таснифда кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат кўрсатувчи бўлим	Ишлар тури ва ўлчаш воситаси номи	ЎВнинг сони	Хизмат нархи		ҚҚС 15%	Хизмат киймати (ҚҚС билан)
				Бир донаси учун нарх	Жами		
1	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Механик яримавтоматли сфигмоманометрлар	32	24 807,36	793 835,52	119 075,33	912 910,85
2	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 05-Past chastotali terapiya apparati	3	88 789,59	266 368,77	39 955,32	306 324,09
3	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Ўрта класс электрон ва механик тарозилар 40 kg гача	31	65 102,05	2 018 163,55	302 724,53	2 320 888,08
4	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Ўрта класс электрон ва механик тарозилар 150 kg гача	4	89 016,17	356 064,68	53 409,70	409 474,38
5	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-М1 аниқлик классдаги тарози тошлари (4 тоифа ва 4 класс) kg, g	34	24 430,09	830 623,06	124 593,46	955 216,52
6	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Ўрта класс электрон ва механик тарозилар 500 kg гача	1	178 234,25	178 234,25	26 735,14	204 969,39
7	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-20 ml гача бўлган шишали пипетка	17	38 204,27	649 472,59	97 420,89	746 893,48
8	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 06-Шишали ўлчов сифмлари 2-дан юқори ўлчамли : бюретка, пипетка, цилиндр, мензурка 1-синф (А) 2-синф (В)	11	38 275,99	421 035,89	63 155,38	484 191,27
9	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Квадрант ва торсион тарозилар	1	96 957,64	96 957,64	14 543,65	111 501,29
10	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-20 ml гача бўлган ўзгармас ҳажмли бир каналли пипетка-дозатор	3	28 243,79	84 731,37	12 709,71	97 441,08
11	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Циферблат стол усти тарози 20 kg гача	1	44 709,99	44 709,99	6 706,50	51 416,49
12	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Ишчи манометрлар, вакуумметрлар ва маановакуумметрлар, кл. т 0,6; 4,0 (5000 bar) гача	23	23 768,23	546 669,29	82 000,39	628 669,68
13	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Ишчи электросигнали манометрлар, вакуумметрлар ва мановакуумметрлар (ЭКМ)	9	29 854,61	268 691,49	40 303,72	308 995,21
14	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Гигрометры психрометрические	11	46 379,20	510 171,20	76 525,68	586 696,88
15	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Термометры жидкостные стеклянные	16	73 959,96	1 183 359,36	177 503,90	1 360 863,26
16	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Рефрактометры (всех типов)	1	108 722,15	108 722,15	16 308,32	125 030,47

17	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 06-Механик секундомер	3	112 028,82	336 086,46	50 412,97	386 499,43
18	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Фотоэлектрокалориметры (всех типов)	1	229 716,78	229 716,78	34 457,52	264 174,30
19	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Анализаторы Медицинские биохимический (всех типов)	3	209 052,52	627 157,56	94 073,63	721 231,19
20	107.Наманганский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Кислородли манометрлар ва кислородли электросигнали манометрлар	5	28 535,07	142 675,35	21 401,30	164 076,65
21	107.Наманганский филиал	Синов воситасини метрологик аттестациядан ўтказиш / 09-Аттестация сушильных шкафов	3	556 732,42	1 670 197,26	250 529,59	1 920 726,85
22	107.Наманганский филиал	Синов воситасини метрологик аттестациядан ўтказиш / 09-Аттестация термостатов суховоздушных	3	502 446,61	1 507 339,83	226 100,97	1 733 440,80
23	Кўшимча сайёр хизмат кўрсатиш / Дополнительный выездной сервис				13 593,20	2 038,98	15 632,18
				Жами:	12 884 577,24	1 932 686,58	14 817 263,82

Жами шартнома суммаси: ўн тўрт миллион саккиз юз ўн етти минг икки юз олтиинч уч сўм 82 тийин, шу жумладан ҚҚС - бир миллион тўққиз юз ўттиз икки минг олти юз саксон олти сўм 58 тийин.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1 Тўлов “Буюртмачи” нинг ҳар бир талабноомаси (буюртмаси) асосида “Бажарувчи” томонидан тақдим этилган тўлов учун ҳисоб бўйича “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. “Буюртмачи” ҳар бир тўлов учун ҳисоб тақдим этилган пайтдан бошлаб 15 банк иш куни якунига қадар бажариладиган хизмат (иш) қийматини 30% миқдорида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига хизмат (иш)лар бажарилишидан олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Ишлар бажарилганидан сўнг бажарилган ишлар баёнига асосан “Буюртмачи” кўрсатилган хизматлар учун 70 % миқдоридаги тўловни 15 банк иш куни мобайнида тўлаш мажбуриятини олади.
- 2.2 Ишлар Наманган шаҳар ташқарисида бажарилганда кўшимча сайёр хизматлар учун алоҳида ҳақ тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини ташиш, яшаш ва суткалик харажатларни ўз ичига олади. “Буюртмачи” транспорт тақдим этган ва ҳақиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда кўшимча сайёр хизматлари учун ҳақ тўланмайди.
- 2.3 Кўшимча сайёр хизматларнинг нархи ҳақиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган “Бажарувчи” вакилларининг сонига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1 Шартноманинг 2.1. банди бажарилгандан сўнг, “Буюртмачи” 3 иш куни мобайнида “Бажарувчи”га шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган ўлчаш воситалари ва зарурий ҳужжатларни топширади.
- 3.2 “Буюртмачи” томонидан мазкур шартномада кўрсатилган ўлчаш воситалари (синов воситалари), (зарур ҳолларда) стандарт намуналар, ҳамда зарур ҳужжатлар (тасдиқланадиган турдаги ўлчаш воситалари (синов воситалари), ўлчаш воситаларининг (синов воситаларининг) эксплуатация ва техник ҳужжатлари;) топширилган вақтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 528-сонли «Ўзбекистон Республикасида Метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорида белгиланган муддатларда “Бажарувчи” ишни бажариш мажбуриятини олади. Шунингдек, техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилган муддатдан ошадиган ўлчаш воситалари бундан мутасно.
- 3.3 “Буюртмачи” томонидан шартноманинг 2.1. ва 3.1. бандидаги шартларни ўз вақтида бажарилмаган ҳолатларда, “Буюртмачи” бу ҳақида “Бажарувчи”га ёзма хабар беришга мажбур. Бу ҳолда, ишнинг бошланиш муддати тегишли равишда кечиктирилган вақт муддатига кўчирилиб, “Бажарувчи”нинг иш ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик келиб чиқмайди.
- 3.4 Шартнома бўйича ишлар якунлангач, “Бажарувчи” бажарилган ишларни “Буюртмачи”га топширади ва бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1 Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1 Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1 Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига кўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган ҳолда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур ҳужжатлар уз вақтида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилмаган ёки ишлар бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатларда кўриб чиқилган ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:
- 6.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши кўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.
- 6.4 Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.
- 6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициенти асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.
- 6.6 "Бажарувчи" қуйидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:
- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) натижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нусхаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар);
 - "Буюртмачи"нинг ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;
 - маҳсулот (хизмат) қиймати ва нархи;
 - "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;
 - солиқ тўловлари ва бу бўйича имтиёзлари (агар бор бўлса) ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа ҳуқуқ тарғибот органлари томонидан берилмаган сўровлар бундан мустасно.
- 6.7 Калибрлаш натижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (қолган хизматлар бундан мустасно).
- 6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1 Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳуқуқатнинг чекловчи қарорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.
- 7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.
- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўп муддат талаб қилса томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонларнинг имзо қўйган вақтдан (имзо қўйилган сана) ва Молия Ҳазначилиги томонидан рўйхатдан (агар молия Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган бўлса) ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу шартнома бандлари 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

- 9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, беёнефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
- 9.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда

- (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баргараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"

"БУЮРТМАЧИ"

"ЎзММИ" ДМ (Наманган филиали)

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ

Наманган ш., Нодира кўчаси, 9 уй.

БОБУР ШОХ К 143 А УЙ

Х/р 20210000900775480107

Х/р 20204000400467722008

"ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ САГБОН ФИЛИАЛИ

в НАМАНГАН Ш., "АСАКА" АТ БАНКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Банк коди 01036

Банк коди 03873

СТИР 304909478

СТИР 200055504

ИФТ 71200

ОКЭД 1714401

Тел. 69-228-81-33

Тел. 97 250-0109



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома бажарувчи томонидан тасдиқланганини билдиради.



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома буюртмачи томонидан тасдиқланганини билдиради.